www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 2, 2023

АЛОҲИДА ЭҲТИЁЖЛИ ФАРЗАНД ТАРБИЯЛАЁТГАН ОИЛАЛАРНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Таджиходжаева Офтобхон Анваровна
Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя тизими ходимларининг малакасини ошириш маркази бош мутахассиси

Abstract: This article covers the issue of support for parents raising a child with special needs, which delivers the problems of parents raising a child with special needs and current issues of their support. Also, social services provided by a social worker who works with families raising children with special needs are shown.

Key words: child with special needs, parents, care, social support, social worker, social services.

Аннотация:Мазкур мақолада алоҳида эҳтиёжли фарзанд тарбиялаётган ота-оналарни қўллаб-қувватлаш масалалари ёритилган бўлиб, бунда алоҳида эҳтиёжли фарзанд тарбиялаётган ота-оналарнинг муаммолари ва уларни қўллаб-қувватлашнинг долзарб масалалари очиб берилган. Шунингдек, алоҳида эҳтиёжли фарзанд тарбиялаётган оилалар билан ишлашда ижтимоий иш ходими томонидан кўрсатиладиган ижтимоий хизматлар кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар:алоҳида эҳтиёжли бола, ота-оналар, парвариш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий иш ходими, ижтимоий хизматлар.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, сайёрамиз аҳолисининг 15 фоизи (бир миллиарддан ортиқроқ инсон) ногироликнинг у ёки бу туридан азият чекади[1]. Ўзбекистонда 760 минг 727 нафар ногиронлиги бўлган шахс истиқомат қилади. Шуларнинг 100 мингдан ортиғи 16 ёшгача бўлган ногирон болалардир. Улар ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлаш, тиббий-ижтимоий реабилитация чоралари билан қамраб олинган [2].

Мамлакатимизда алоҳида эҳтиёжга эга бўлган болалар учун янада яхши имкониятларни яратиш, уларни даволаш, реабилитация қилиш, таълим олиш имкониятларини кенгайтириш ҳамда ижтимоий ҳимоялаш борасида эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида сўзлаган нутқида алоҳида эҳтиёжга эга бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлашга жиддий эътибор қаратилишини[3] таъкидлаганлари мазкур соҳада қонунчиликда ва жамият ҳаётида эътиборга лойиқ ўзгаришлар амалга оширилаётганлигига исбот сифатида хизмат қилади. Хусусан, Янги таҳрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи нормалар такомиллаштирилди. Жумладан, 57-моддада ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилган. Ушбу моддада давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг турмуш сифатини ошириш, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиш учун уларга шарт-шароитлар яратиш, уларнинг асосий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга

[1] https://www.who.int/ru/news-room
[2] http://pravacheloveka.uz/uz
[3] https://www.gazeta.uz/uz/

www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 2, 2023

қаратилган чораларни кўриши билан бир қаторда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиш, уларнинг ишга жойлашиши, таълим олишига кўмаклашиш, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминланиши масалалари мустаҳкамланди.

Бундан ташқари, 2022 йил 17 февралда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Ногиронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармоннинг асосий мақсади ногиронлиги бўлган шахслар, айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришлаётган оилаларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ва янги ёндашувларни жорий этиш белгиланган. Мазкур Фармонга асосан 2022 йил 1 апрелдан бошлаб ўзгалар парваришига муҳтож ногиронлиги бўлган 18 ёшгача болаларнинг парвариши билан банд бўлган боланинг қонуний вакилига ҳар ойда 500 000 сўм миқдорида (ҳар ойлик) парвариш нафақаси тўлови жорий этилган [4]. Парвариш нафақаси Фармонда белгиланган иловага мувофиқ, ўзгалар парваришига муҳтож бўлган 18 ёшгача болаларнинг касалликлари рўйҳатидан (иловада 34 хил турдаги касалликлар рўйҳати келтирилган) келиб чиқиб тайинланади.

Алоҳида эҳтиёжли фарзанд тарбиялаётган оилалар учун тайинланадиган парвариш нафақасидан кўзланган асосий мақсад ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашдан иборат. Айниқса, доимий парваришга муҳтож бўлган болаларни парваришлаётган оилаларни давлат томонидан ҳар томонлама ишончли қўллаб-қувватланиши уларни тўлақонли ҳаёт кечиришлари учун хизмат қилади.

Алоҳида эҳтиёжга эга болалар – ногиронликка эга психожисмоний камчиликларгша эга болалар [1]. Алоҳида эҳтиёжга эга болалар жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор муаммолари борлиги туфайли қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган ҳисобланади.

Тадқиқодчиларнинг маълумотларига кўра, болаларда норгиронлик юзага келишининг асосий сабаблари, экологик вазиятни ёмонлашуви, болаларда жароҳатланишнинг ўсиши, омили қаторида мутахассислар ирсият, ота-онанинг соғлом турмуш тарзига амал қилмасликлари, юқумли ва бошдан кечирган касалликларини кўрсатмоқдалар. Шу билан бирга, ногиронлиги бўлган болаларнинг туғулиш сабаблари тўғрисида масалалар ҳанузгача ўрганилаётир. Шифокорларнинг фикрича, яқин қариндошлар, амаки, хола, тоға ва аммаваччаларнинг фарзандлари ўртасидаги никоҳий муносабатлар ҳам салбий оқибатларга олиб келади. Яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларда авлоднинг насл касалликлари билан шикастланиши хавфи юқори бўлар экан. Оқибатда болаларнинг ногиронликка эга бўлиб туғилиши, оиладаги низоларни кескинлашуви ва бошқа кўплаб ижтимоий муаммоларини келтириб чиқаришга сабаб бўлади.

Оилада фарзанд туғилиши – оила учун энг катта бахт ҳисобланади. Бу эса оила аъзолари ва яқин қариндошларининг муносабатларини янада мустаҳкам бўлишига замин яратади. Аммо, шундай вазиятлар бўладики, орзиқиб кутилган фарзанд алоҳида эҳтиёжли

[4] https://lex.uz/docs/5865484

www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 2, 2023

бўлиб, туғилиши мумкин. Бундай вазиятларда оила аъзолари кучли кечинмаларни бошдан кечирадилар [2].

Алоҳида эҳтиёжли фарзанд тарбияси борасида дастлаб ота-оналар қуйидаги қийинчиликларга дуч келадилар:

- фарзандининг ташхисини тан олиш жараёнидаги қийинчиликлар;
- умидсизлик ва айибдорлик ҳисси;
- алоҳида эҳтиёжли болани парваришлаш бўйича билимларни етишмаслиги;
- фарзандининг келажагини ўйлаб кучли қайғуриш;
- оилада стрессларни ортиб бориши;
- эр-хотин ўртасидаги муносабатларни ўзгариши;
- фарзандини махсус муассасаларга топшириш истаги;
- қўллаб-қувватловчи яқин инсонларнинг йўқлиги.

Алоҳида эҳтиёжли фарзандни тарбиялаш ота-оналардан катта куч, вақт, масъулият ва сабр-тоқатни талаб қилади. Оилада юқоридаги каби муаммоларни ҳал этилмаслиги оиладаги вазиятни ёмонлашувига айниқса, алоҳида эҳтиёжли фарзандни ривожланишида ижобий кўрсаткичларни кузатилишига тўсқинлик қилади.

Оиладаги бундай қийин ҳаётий вазиятлар профессионал ёндашувни хусусан, ижтимоий иш ходимининг профессионал ёрдамини талаб қилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи ижтимоий иш соҳасидаги марказий мавзуларидан бири сифатида қаралади. Алоҳида эҳтиёжли фарзанд тарбиялаётган оилаларни қўллаб-қўвватлаш, жамият ҳаётида тўлақонли иштирок этишлари учун шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ота-оналарнинг алоҳида эҳтиёжли фарзанд тарбиялаш борасидаги масъулияти ва педагогик билимларини, кўтариш масалалари ижтимоий иш ходими фаолиятининг мураккаб ва муҳим томонларидандир. Алоҳида эҳтиёжли фарзанд тарбиялаётган оилалар билан ишлашда ижтимоий иш ходимининг асосий вазифаси боланинг ижтимоий мослашувига эришиш билан бир қаторда ота-оналарни қўллаб-қувватлаш орқали оила фаровонлигини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Алоҳида эҳтиёжли фарзанд тарбиялаётган оилалар билан ишлашда ижтимоий иш ходими қуйидаги вазифаларни амалга оширади:

- ижтимоий иш ходими оила ва боланинг муаммоларини чуқур ўрганиш орқали хавф омилларини аниқлайди;
- ижтимоий иш ходими ота-оналарга мавжуд муоммоларни (стресс, тушкунлик, моддий қийинчиликлар) енгиб ўтишларида кўмаклашади;
- ижтимоий иш ходими ота-оналарга алоҳида эҳтиёжли фарзанд тарбиялаш борасидаги маълумотларни етказиш орқали ёрдам кўрсатади;
- ижтимоий иш ходими алоҳида эҳтиёжли фарзанд тарбиялаётган ота-оналарга фарзандини реабилитация жараёнига эрта жалб қилиш зарурияти тўғрисида тушунтириш ишларини олиб боради;
- ижтимоий иш ходими ота-оналарга қаерда ва қандай ижтимоий хизматларни кўрсатилиши ва мавжуд имтиёзлар юзасидан маълумот беради ва йўналтириш ишларини олиб боради;
- ижтимоий иш ходими оиланинг алоҳида эҳтиёжли фарзанди билангина эмас, балки оиладаги барча аъзоларнинг ижтимоий муоммолари билан ҳам ишлайди;

www.wordlyknowledge.uz Volume: 2, Issue: 2, 2023

- ижтимоий иш ходими алоҳида эҳтиёжли боланинг ривожланиши, таълими, ижтимоий-реабилитацияси ва жамиятга уйғунлашуви масалаларида кўмаклашади ва улар учун тенг имкониятлар яратади.

“Оила ва хотин-қизлар” илмий тадқиқот институти томонидан амалга оширилаётган “Оилада имконияти чекланган болаларнинг таълим-тарбияси ва ривожланишига оид ота-оналарнинг педагогик саводхонликларини ошириш” мавзусидаги қисқа муддатли илмий тадқиқот лойиҳаси доирасида алоҳида эҳтиёжли болалар билан ишлаш тажрибалари ўрганилиб, таҳлил қилиш асосида бугунги кунда мазкур масала ҳақида маълумотларни оммалаштириш зарурати муҳим аҳамиятга эгалиги аниқланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва уларга ижтимоий хизмат кўрсатилиши кўламини янада кенгайтириш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда. Янги ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига комплекс ёндашувга асосланган профессионал ижтимоий хизматларни кўрсатиш тизими жорий этилди ва маҳалла даражасида профессионал ижтимоий хизматлар кўрсатилиши йулга қўйилди.

Бу борада алоҳида эҳтиёжли фарзанд тарбиялаётган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳаллаларда фаолият олиб борувчи ижтимоий иш ходимлардан керакли билим ва кўникмалар талаб қилинади. Шу билан бирга, ижтимоий иш ходими алоҳида эҳтиёжли фарзанд тарбиялаётган оиланинг хусусиятларини яхши англаган бўлишлари ва ногиронлиги бўлган болаларни таълим олишида ота-оналарга инклюзив таълим бўйича ахборотларни етказа олиш, ота-оналарга фарзанд тарбиялаш ва парваришлаш масъулияти ва мажбурияти ҳақида, миллий қонунчилик соҳасида ижтимоий-ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ҳамда ижтимоий иш касбига оид етарли назарий ва амалий билимларга эга бўлишлари муҳим саналади.

Айни пайтда Ўзбекистонда ижтимоий иш касбини ривожланиши ва ижтимоий ҳимояга муҳтож инсонларни қўллаб-қувватлаш тизими такомиллашуви натижасида малакали кадрларга бўлган эҳтиёж янада ошди. Демак, ижтимоий ҳимоя қилиш тизимида фаолият олиб борувчи мутахассисларнинг салоҳиятини оширишга қаратилган ишларни долзарблаштириш ва уларни қайта малакасини оширишга қаратилган ишларини олиб бориш муҳимлиги маълум бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ўзбекистонда болаларни ижтимоий ҳимоялаш тизимига оид терминологик луғат-маълумотнома/В.Алимова – Тошкент: Spegtrum Media Group, 2015.–11б.
2. Ҳимояга муҳтож болаларнинг жамиятга ижтимоийлашуви//Илмий-услубий тўплам. Масъул муҳаррир: Л.Р.Муминова, ООО “Complex Print” – Т, 2017 25-26 б.